

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 18 декабрь, № 267 (7769) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, 2021 йилда халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва XX аср сўнггида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз йил тўлади.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Юртимиз илгариги иқтисодиёти бир томонлама шаклланган, қолоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланиб, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги, онгу тафаккури тобора юксалиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида узоқ-яқиндаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенг миқёсда олиб бораётган замонавий, очиқ ва демократик давлатга айланди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотларимиз натижасида, айниқса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, "**Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари**" ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жаҳон миқёсида давом этаётган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамасдан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги босиб ўтган ривожланиш йўлимизни сарҳисоб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш орқали олдимизда турган устувор вазифа — Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври учун пойдевор яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни янада кучайтиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ва вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу қутлуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил қилинсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда қуйидаги устувор йўналишларни атрофлича ёритишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда **"Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!"** ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқласин:

жамиятда қонун устуворлиги ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг вакиллик органлари ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимининг йўлга қўйилгани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар;

мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар;

"Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун" ва "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойиллари асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар;

иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш дастурлари, камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси;

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнес юритиш шартларини енгиллаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилган янги имкониятлар;

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Беш муҳим ташаббус", "Бир миллион дастурчи" каби ижтимоий лойиҳаларнинг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини тубдан ривожлантириш;

жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ёш қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун кўмак ва ёрдам бериш, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар;

ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб бориш, жумладан, ёшларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, уларни муносиб иш билан таъминлаш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга тайёрлаш, ёш тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган дастурлар;

аҳолини тураржой билан таъминлаш, хусусан, намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар;

буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини барпо этиш борасида белгилаб берилган узоқ муддатли стратегик вазифалар доирасида миллий ғояни ривожлантириш, жумладан, давлат тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар;

халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати ўзгариб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ва фуқаролик институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар;

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАИСЛИГИДА МДҲ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтади.**

Саммит кун тартибидан МДҲ доирасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг барча йўналишларида, шунингдек, янги хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш соҳасида кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболларини баҳолаш масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ҳамдўстликнинг узоқ муддатли вазифалари борасида Ўзбекистон Республикаси нуқтаи назарини тақдим этиши ва амалий шерикликни кенгайтиришга доир аниқ таклифларни илгари суриши кутилмоқда.

Мажлисда делегациялар раҳбарлари МДҲни 2030 йилгача бўлган муддатда янада ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ва уни амалга ошириш режасини кўриб чиқадилар. Ушбу ҳужжатларда ҳамкорликнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболдаги стратегик мақсадлари ва асосий тадбирлари белгиланган.

Учрашув якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинганининг 75 йиллиги муносабати билан ҳамда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотлар, шунингдек, Ҳамдўстлик фаолиятининг турли жиҳатларига доир, жумладан, 2021 йилда Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Ўзбекистон МДҲга раислик қилишдек масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олган эди.

Пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитларга қарамай, мамлакатимизнинг Ҳамдўстликка раислиги концепцияси тўлиқ ҳажмда амалга оширилди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, МДҲнинг бошқа устав ва тармоқ органларининг мажлислари муваффақиятли ўтказилди.

Қатор муҳим ҳужжатлар, жумладан, 2030 йилгача муддатга мўлжалланган Иқтисодий тараққиёт стратегияси, Транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, туризм, спорт ва ёшларга оид сиёсат соҳаларида ҳамкорлик стратегиялари ва бошқалар қабул қилинди.

Умуман, 60 га яқин кўп томонлама тадбир ўтказилди, Ҳамдўстликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 70 дан зиёд ҳужжат қабул қилинди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бугун соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилади.

**Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан**

## ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ СИФАТИГА БОҒЛИҚ

*Сенатнинг бугун бўлиб ўтадиган ўнинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш ҳам режалаштирилган. Бундан кўзланган мақсад-муддао ўз-ўзидан тушунарли. Негаки, олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақияти қонунчилик базаси нечоғли шаклланганини, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёнлари сифатига бевосита боғлиқ.*

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли замон тизимли муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришни талаб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо норма ижодкорлиги ёндашуви жараёнида қонун ҳужжатларининг иқтисодиёт тармоқларига таъсирини баҳолаш зарурати ҳисобга олинмагани натижасида фуқаролар ҳаётини яхшилашда ва фаровонлигини таъминлашда тўсиқлар учрамоқда.

Қолаверса, умумий характерга эга қонунлар кўплиги, уларни амалга ошириш механизми йўқлиги давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, яъни ижтимоий муносабатларни асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишга тўғри келяпти.

Шу муаммоларни чуқур ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида қўмитамиз томонидан тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида Адлия вазирлигида ўтказилган йиғилишда вазирликнинг ахбороти эшитилиб, унда 2020 йил давомида давлат органлари томонидан норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида бажарилган ишлар ҳамда йўл қўйилган тизимли камчиликлар муҳокама қилинган эди.

Тўғри, сўнгги йилларда норма ижодкорлиги борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Масалан, аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ўстириш, қонун ижрочиларига ҳужжатлар ва уларнинг моҳиятини тўғри етказиш, бу борада давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда. Айниқса, ҳозирги пандемия даврида қонун ҳужжатларига оғишмай, бехато амал қилиш чоралари кўриляпти.

➔ 2

**Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустаҳкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИ АНА ШУ ҒОЯ АСОСИДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИ.



**Акс садо**

Ҳеч эътибор берганмисиз, эндигина тетапоя қилаётган гўдак йиқилиб-сурилса-да, ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзи ҳаракат қилишга интилади. Инсон боласи ҳали англаб улгурмаган, аммо беихтиёр талпинаётган бу ҳис мустақиллик, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқидир.

Ҳурлик ва эркинлик инсонга Яратган томонидан берилган энг улуғ неъматлардан бири, аслида. Бироқ бу неъмат кимгадир насиб этган, кимгадир эса йўқ.

Биз учун ҳам мустақиллик асрлар давомида орзу эди. Бунинг учун қанчадан-қанча қурбонлар берилди. Лекин эркинлик, озодлик йўлидан асло ортга қайтилмади. Ниҳоят, ўтган асрнинг охирги ўн йиллигида бу асрий орзу рўёбга чиқди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шундан буён халқимиз бу улуғ неъматни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, мустаҳкамлаб келмоқда.

2021 йилда мамлакатимиз ҳаёти ва тарихидаги том маънодаги буюк, оламшумул воқеа — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганига 30 йил тўлади.

➔ 2

**Тақдимот**

## ЗАМОНАВИЙ ЛОКОМОТИВЛАР ОЛИБ КЕЛИНДИ



*Ўзбекистонга Хитой Халқ Республикасидан 4 та замонавий ва юқори қувватга эга бўлган юк ҳамда йўловчи локомотиви олиб келинди. Тошкент марказий вокзалида шу муносабат билан ташкил этилган тақдимотда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ раҳбарияти, Хитой корхонаси мутахассислари, соҳа ходимлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

Осиё тараққиёт банки иштирокида "Локомотивларни сотиб олиш йўли билан локомотивлар паркини янгилаш" лойиҳаси доирасида мамлакатимизга жами 30 та замонавий электровоз ва улар учун керакли бўлган эҳтиёт қисмларни олиб келиш режалаштирилган.

Янги локомотивлар йўловчилар ва юкларни ташиш учун мўлжалланган бўлиб, мураккаб тоғли ҳудудларда ҳам ҳаракатланиш имкониятига эга. Электровозлар экологик хавфсизлик жиҳатидан халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради. Уларда қўлланиладиган замонавий технологиялар электр энергиясини тежаш билан бирга, ёқилғи сарфини камайтириш имконини беради.

Президентимиз 2015 йил 6 мартдаги "2015 — 2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарори билан "Локомотивлар паркига 24 дона локомотив сотиб олиш йўли билан янгилаш" лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Осиё тараққиёт банки маблағларини жалб қилиш билан Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик дастури доирасида "Локомотив паркини янгилаш" лойиҳасини амалга ошириш маъқулланди.

➔ 2

**Бугуннинг гапи**

## КАМЧИЛИКЛАР АЙНАН МАВСУМДА КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

*Бунинг сабаблари нимада?*

*Ҳар сафар куз-қиш мавсумига қанчалик пухта ҳозирлик кўрмайлик, барибир қор-ёмғирли кунларда камчиликлар кўзга ташланаверади. Гоҳ у, гоҳ бу ҳудудда газ ёки чироқ ўчаверади. Иссиқлик таъминотида узилишлар кўпаяди.*

*Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун шундай?*

➔ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чет эллардаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларининг тубдан яхшилангани, минтақавий ва халқаро муаммоларни биргаликда ҳал этиш саъй-ҳаракатлари;

мамлакатимизда диний-маърифий соҳага берилаётган катта эътибор, хусусан Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси қабул қилингани, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ҳадис ва калом мактабларини ташкил этиш билан боғлиқ амалий ишлар;

халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар, жумладан, миллий армияни модернизация қилиш, ҳарбий саноат комплексини яратиш, ҳарбий таълим тизими ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ улкан ўзгаришлар;

жаҳон миқёсида турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб, экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам савдоси, глобал пандемия каби таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган мезонлар асосида доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган муҳим ишлар.

3. Республика комиссияси (А.Н.Арипов):

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ишлари ва Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

жойларда таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ва бадиий кечалар ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган илмий ва ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги санаси муносабати билан:

пойтахтимизда **“Истиқлол”** мажмуасини ташкил этиш ва у ерда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини акс эттирадиган ёдгорлик композициясини барпо этиш;

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро ҳалқа йўлини **“Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги”** деб номлаш;

**“Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври ва ривожланиш истиқболлари”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этиш;

ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган **“Янги Ўзбекистон”** китоб-альбомини ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламларни нашр этиш;

2021 йилда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган барча халқаро маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, аждодларимиз юбилей саналарини мустақилликнинг ўттиз йиллиги ғояси ва руҳи билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ташкил этиш;

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари (мусиқа, театр, кино, тасвирий ва амалий санъат, цирк, халқ ижодиёти) бўйича республика миқёсида фестиваль ва кўргазмаларни ташкил этиш;

юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари ҳамда тарихий ва замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларини ташкил этиш;

мустақиллик йилларида эришилган илмий ютуқлар асосида яратилган инновацион лойиҳа ва технологиялар кўргазмаларини ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков):

а) масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори бадиий савияда ўтказиш учун мамлакатимиз ва хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (Р.Д.Қурбонов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказларини кенг жалб этган ҳолда байрам тантаналари ва халқ сайилларини ташкил қилсин;

маданият ва истироҳат боғларида шартнома асосида таниқли санъат намояндалари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиш этилишини таъминласин;

кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратишга бағишланган публицистик мақолалар ва шеърлардан иборат китобни республика бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов) Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков), “Ўзбеккино” Миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов), Бадиий академия (А.В.Нуриддинов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда хорижий мамлакатларда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий мамлакатларда яшаётган ватандошларимизни жалб қилган ҳолда “Ўзбекистон кунлари”ни ўтказсин ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирларни амалга оширсин.

7. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги (Ф.Ф.Абдухаликов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами муносабати билан фильмлар яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил давомида барча туман (шаҳар)лар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, миллий телеканалларда мустақиллик йилларида яратилган энг яхши бадиий ва ҳужжатли фильмларнинг кенг намойишини ташкил этсин.

8. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Бадиий академия (А.В.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов), Журналистлар ижодий уюшмаси (Х.Х.Салимов) ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда **“Энг улуғ, энг азиз”**, **“Ранглар жилосида — она диёр”**, **“Ватан учун яшайлик!”** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов), “Дунё” ахборот агентлиги (С.Л.Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 декабрь

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИ АНА ШУ ҒОЯ АСОСИДА КЕНГ НИШОНЛАНАДИ.

1

Мамлакатимиз мустақиллигининг улкан сиёсий, тарихий ва маънавий-маърифий аҳамиятини инобатга олиб, истиқлол йўлининг асосий мақсад ҳамда вазифаларини янги босқичда оғишмай, самарали давом эттириш, бу қутлуғ санани давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътиборига муносиб юксак савияда, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш мақсадида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу тарихий ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар юртдошларимизга катта қувонч ва фахр-ифтихор бахш этди. Буни уларнинг қуйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Улуғ мақсадларга, улуғ орзуларга отлантирадиган мустақиллик байрамимизнинг 30 йиллигини кутиб олиш тўғрисидаги ушбу қарор том маънодаги тарихий ҳужжат бўлди, деб ўйлайман. Унда халқимизнинг юрагига қувват ҳамда қудрат берадиган эзгу ғоялар ўз ифодасини топган.

Бугун Ўзбекистон дунёда замонавий, очиқ, демократик давлат сифатида ўзини намоён этяпти. Шундай пайтда ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, истиқлолимизнинг улуғ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларига ўз ҳиссамизни қўша олишимиз лозим.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида одамларимиз онгу тафаккурида янгиланиш рўй берди. Сўз ва фикр эркинлигининг таъминланаётгани, инсон ҳуқуқларининг олий қадрият даражасига олиб чиқилгани бу борадаги ишларда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида, ҳуқуқ-тартибот идораларини ислоҳ қилиш йўналишида ва фуқаролар манфаатларини таъминлаш борасида эришилаётган натижалар бугунги кунда бутун дунёда акс садо беряпти.

**Минҳожиддин МИРЗО,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Қарорда белгиланган кенг кўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар моҳиятида халқимиз учун, Ватанимиз учун мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг маҳсуллари ўз ифодасини топади.

Албатта, бу каби ишлар янги Ўзбекистон ёшларини мустақилликнинг нафақат қадрига етувчи, балки уни асрашга бутун вужуди билан интиладиган, Ватанимиз номуси, тараққиёти учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишлари учун катта бир мактаб вазифасини ўтайди.

Яна бир муҳим жиҳати, бу каби тадбирлар бугун барча соҳага кириб келаётган истеъдодли ёшларимизнинг янги-янги қирраларини очишда ҳам муҳим ўрин тутади.

**Ёдгор САЪДИЕВ,**
**Ўзбек Миллий академик драма театри директори,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Қарорда истиқлолимизнинг муҳташам маҳобати ва моҳиятига муносиб кўплаб тадбирлар белгиланган. Жумладан, пойтахтимизда “Истиқлол” мажмуаси ташкил этилиб, у ерда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган ютуқларимизни акс эттирадиган ёдгорлик композицияси барпо этилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик.

Кейинги тўрт йилда олиб борилган ишларни қаранг. Ўта қисқа бир даврда янги Ўзбекистон бунёд этилмоқда. Бугунги кунда ижодкорларимиз томонидан мана шу буюк ишларда қатнашаётган замонамиз қаҳрамонлари ҳақида асарлар ёзилаётир. Ушбу асарларни театримизда саҳналаштириб, юртдошларимизга туҳфа этамиз.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами юртдошларимиз қалбида, онгу шуурида унутилмас хотиралар қолдиришига ишончимиз комил. Бинобарин, қарорда белгиланганидек 2021 йилда юртимизда ўтказилиши режалаштирилган барча халқаро маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, илмий конференциялар, аждодларимиз юбилей саналари мустақилликнинг ўттиз йиллиги ғояси ҳамда руҳи билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ташкил этилади.

Маданият ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича республика миқёсида фестиваль ва кўргазмалар, юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари ҳамда тарихий ва замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти, фаолияти ҳақидаги пьесалар танловларининг ўтказилиши байрам шукуҳини янада оширишга хизмат қилади.

**Шуҳрат РИЗАЕВ,**
**“Ўзбеккино” Миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари:**

— Мутасаддилар биз, бир гуруҳ қаламкашларни Тошкент шаҳрида барпо этилаётган ер усти метро ҳалқа йўли бўйлаб экскурсия қилдиришди. Очиғи, мен ҳаяжонли бир ҳолатга тушдимки, бундай улкан бунёдкорлик намунасини хорижда, энг ривожланган мамлакатларда кўрган эдик. Лекин вақти-соати етиб, бизда ҳам ана шундай иншоотлар қад ростлаши, тўғриси, ақлбовар қилмайдиган ишдай туюлган эди.

Президентимиз қарорида мана шу метро йўналишига “Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йиллиги” номи берилиши ниҳоятда ўринли бўлди, деб ўйлайман. Айнан истиқлолимизнинг ўттиз йиллигида пойтахтимизнинг белига олмос камар бўладиган ҳалқа йўлини қурдик-ки, бу мамлакатимизнинг бунёдкорлик борасидаги имкониятлари нақадар юксалганини яққол кўрсатади.

**Жаннат ИСМОИЛОВА,**
**Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори:**

— Қарорга мувофиқ, ўтган даврда эришилган ютуқларга бағишланган “Янги Ўзбекистон” китоб-альбоми ҳамда ҳар бир соҳада амалга оширилган ислоҳотлар натижаларини ёритиб берувчи китоб-альбом ва тўпламлар нашр этилади.

Музейимизда мустақиллик даврига бағишланган алоҳида бўлим бор. Биз ҳам Ватанимиз истиқлолининг 30 йиллигига бағишлаб, катта экспозиция ташкил этиш ишларини бошладик. Айниқса, кейинги тўрт йил ичида барча соҳада эришилган ютуқлар шу қадар салмоқлики, уларнинг кўламини, аҳамиятини халқимизга, дунё жамоатчилигига кўрсатиб бериш бизга катта масъулият юклайди. Бу вазифаларни юксак даражада адо этишимизга ишонамиз.

**«Халқ сўзи».**

# ЗАМОНАВИЙ ЛОКОМОТИВЛАР ОЛИБ КЕЛИНДИ

1

2019 йил 30 августда ОТБ билан лойиҳа учун 170 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит шартномаси имзоланди. 2019 йил 17 июлда бўлиб ўтган халқаро тендер натижалари бўйича CNTIC-CRRC-DRLOCO консорциуми билан иккита кузовли 24 та электровозни (16 та юк ва 8 та юк-йўловчи) олиб келиш бўйича 134,6 миллион АҚШ доллари миқдорида шартнома имзоланди. Электровозларни шартномага мувофиқ етказиб бериш муддати 2021-2022 йилларда амалга ошириш белгиланди. Шу билан бирга, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг юк электровозларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, 2020 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда лойиҳага ажратилган суммадан тежалган 35,37 миллион АҚШ доллари эвазига ОТБга қўшимча 6 та электровоз ва эҳтиёт қисмларни олиб келиш бўйича қўшимча битимни имзолашни маъқуллаш тўғрисида мурожаат қилишди. ОТБ ушбу мурожаатни 2020 йил февраль ойида маъқуллади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Шу кунларда лойиҳада белгиланган электровозларнинг биринчи партияси, яъни 3 та юк ва битта юк-йўловчи локомотиви ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари олиб келинди. Яқин кунларда янги электровозларнинг 2-партиясида яна 5 дона (3 юк ва 2 юк-йўловчи) электровознинг келтирилиши кутилмоқда. 2020 йил охирига қадар электровозларнинг 3-партиясини, яъни 3 та юк, 2021 йилда эса шартномада белгиланган қолган 13 та юк ва 5 та юк-йўловчи электровоз олиб келинади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, мазкур замонавий юк электровозлари тоғли ҳудудларда 4 минг тонна, текис жойларда эса 6 минг тоннагача юкли вагонларни бемалол торта олади. Ушбу замонавий электровозлар бугундан бошлаб бир ҳафта мобайнида юк вагонларини тортиб, синовдан ўтказилади ва сўнгра тўлиқ фойдаланишга топширилади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг локомотив паркида мавжуд локомотивларнинг 50 фоиздан ортиғи янгиланган.

**«Халқ сўзи».**

Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан

# ҚОНУНГА ҚАНДАЙ ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛЯПТИ?

*Юртимизда тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига қарамасдан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида муаммолар борлиги сир эмас.*

Амалдаги қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ва улар мазмунига қўйиладиган асосий талаблар ҳамда уларнинг ижросини ташкил этишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар тўлиқ қамраб олинмаган. Масалан, норма ижодкорлиги фаолиятининг асосий принциплари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш масалалари, ҳуқуқий, жумладан, коррупцияга қарши экспертиза ўтказилиши, муддати ҳамда бошқа жиҳатлар ёритиб берилмаган.

Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши режалаштирилган янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун ана шу зарурат туфайли ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, мазкур қонунни тайёрлашда Президентимизнинг 2017 йил 8 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ҳамда 2018 йил 8 августдаги Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида белгиланган вазифалар асос бўлиб хизмат қилди.

**Хўш, янги қонун эскисидан нимаси билан фарқ қилади?**

*Улар қуйидагилардан иборат:*

- норма ижодкорлиги фаолиятининг асосий принциплари белгиланиб, улар кенг ёритиб берилган;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш соҳалари ажратилган;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилинишининг ҳуқуқий механизми белгиланган;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизаси муҳим элементи сифатида коррупцияга қарши экспертиза тартиби акс эттирилган;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиби инобатга олинган;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган;
- қонунлар ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларига қўйиладиган алоҳида талаблар ҳам киритилган.

Шунингдек, ушбу қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун ташаббус кўрсатиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш муддатлари, лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишда Адлия вазирлиги ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиб олиш ва бунда келишиб олиш муддатлари бузилганлиги учун жавобгарлик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш қоидалари каби муҳим масалалар батафсил ёритилган бўлиб, шуларнинг ўзиёқ унинг бугунги кунда қанчалик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Янги таҳрирдаги қонун қабул қилиниши ҳисобига қўлга киритиладиган натижалар ҳам шунга мос бўлади. Яъни шу меъёрларга асосан бюрократик тўсиқлар бартараф этилади, норма ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли бўлган барча саъй-ҳаракатлар янада мустаҳкамланади, қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиш механизмини мустаҳкамлаш таъминланади. Буларнинг барчаси пировард натижада юртимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ СИФАТИГА БОҒЛИҚ

1

Президентнинг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Унда Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал ва ташкилий хусусиятга эга ҳужжатларини улар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқлашнинг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш кўзда тутилган. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги қонун ҳужжатини қабул қилиш ўрнига янги қонун ҳужжатини қабул қилиш ва бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжатини ўз кучини йўқотган, деб топиш амалиётини жорий этиш ҳамда аввал қабул қилинган бундай қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни ташкил этиш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, 2021 йил 1 июнга қадар Олий Мажлис палаталарининг амалдаги қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу кўрсатмаларни амалга ошириш мобайнида норма ижодкорлиги фаолиятида олиб борилаётган самарали ишлар қаторида, давлат органлари томонидан ана шу жараёнда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди. Бунга мисол қилиб энг муҳим ижтимоий муносабатларни қонун ҳужжатлари билан эмас, балки қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиш амалиёти сақланиб қолаётгани, қонунларда амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми билан таъминланмаган қатор ҳаволаки нормалар мавжудлиги ҳамда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатлари борлиги, давлат органлари ўз ваколатлари доирасига кирадиган масалаларни ҳам Ҳукумат даражасида ҳал этишга интилаётганини келтириш мумкин.

Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, адлия вазирининг сенаторлар эътиборига ҳавола этиладиган ушбу ахбороти жуда ҳам долзарбдир.

**Матлуба ҒАНИЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ЎЗБЕКИСТОН УЧУН СОҲАЛАРГА ОИД ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

*Кеча "Янги имкониятлар: инсон камолоти ва антропоцен" мавзуида БМТ Тараққиёт дастурининг 2020 йилда инсон камолоти бўйича маърузасининг минтақавий тақдимоти юзасидан видеоконференцалоқа шаклидаги тадбир бўлиб ўтди.*

## Ҳамкорлик

Унда Бош котиб ўринбосари — БМТ Тараққиёт дастури маъмури А. Штайнер, БМТ Тараққиёт дастури маъмури ёрдамчиси, Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюро директори М. Споляриc-Эггер, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар вакиллари, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ҳам иштирок этди.

Ташкилотчилар ва халқаро экспертлар коронавирус инфекциясига қарши курашиш, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш, тадбиркорларга имтиёз ва преференциялар бериш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор этилди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари ўз нутқида Ўзбекистон раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳар томонлама ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Онлайн мулоқотда Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган комплекс тадбирларни рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда гуманитар, экологик сиёсатни амалга ошириш, жумладан, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар эътироф этилди.

Тадбирда ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари, қисқа-ўрта ва узоқ муддатли режалар ҳамда ташаббусларни тарғиб қилиш, шу жумладан, 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш бўйича миллий мақсадлар бўйича БМТнинг Ўзбекистон Республикаси учун доиравий дастурини ишлаб чиқиш, унга оид "Йўл харитаси"ни қабул қилиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ОЧИҚ, ОШКОРА БЎЛИШИ КЕРАК

*Яқинда депутатлар томонидан "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.*

## Нуқтаи назар

Қайд этиш жоиз, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида барча сиёсий партияларнинг фракциялари ўз позициясини билдириб, қатор таклифларни илгари сурдилар.

Депутатларнинг ўринли таклифлари асосида қонун лойиҳасида бюджет тақсимловчиларининг ҳуқуқий мақоми ҳам белгиланмоқда. Бундан ташқари, парламент аъзолари томонидан ва уларнинг таклифларига кўра, 2021 йил учун Давлат бюджети лойиҳаси ижтимоий йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, 600 миллиард сўмдан ортиқ маблағ қайта тақсимланди. Масалан, умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун қўшимча 100 миллиард сўм, "Эл-юрт умиди" фондига қўшимча 32,5 миллиард сўм, Ахборот-кутубхона марказларида кутубхона фондини янгилаш ва тўлдириш учун 5 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Шу билан бирга, халқ вакилларининг Давлат бюджети даромадларининг манбалари ва харажатларини таҳлил қилиш натижасида давлат дастурлари доирасида ажратилиши лозим бўлган маблағларни 2021 йил бюджетида акс эттиришга эришилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом овқатланишини, тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига янги механизмларни жорий қилиш харажатларига 63,4 миллиард сўм, юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турларини ривожлантириш дастурига 104 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Шунингдек, келгуси йилларда тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғидан келадиган тушумларни алкоголь маҳсулотлари учун акциз солиғи каби ҳудудларга республика аҳолисидаги улушига мувофиқ тақсимланишини ҳамда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги солиқ имтиёзларининг тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва уларни бекор қилиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Бундан ташқари, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунда кўрсатилган айрим нормалар доимий характерга эга бўлганлиги учун Солиқ ва Бюджет кодексларига ўтказилмоқда. Хусусан, акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммалари ҳамда халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига айрим солиқлар бўйича пасайиб борувчи ёки ўсиб борувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқини тўғридан-тўғри амал қилинишини таъминлаш мақсадида Солиқ кодексининг тегишли қисмларига ўтказилди.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг (Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғармалари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар билан бирга) юқори чегараси 37,4 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда жорий йил якуни билан кутилаётган консолидациялашган бюджети тақчиллигига нисбатан 1,6 фоизга паст бўлиши режалаштирмоқда.

Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармаларининг тақчиллиги Давлат ички ва ташқи қарзларини жалб қилиш ҳамда бюджетларнинг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тақчиллиги жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Бундан ташқари, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Бюджет кодекслари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, халқ вакиллари томонидан Бюджет кодексига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари тегишли бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқишда ҳудудий бюджет маблағларининг тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишга ҳам ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Мухтасар айтганда, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш ва унинг натижадорлигини таъминлаш — бугунги давр талаби. Бу борадаги маълумотларни халққа очиқ-ошкора, шаффоф етказиш эса давлат идоралари олдидаги асосий вазифалардан бирига айланиши керак.

**Комилжон ЭРНАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Давлат бюджети бошқармаси бошлиғи.**

## Мардлик — мангулик



*Ўзбекистон минтақада тинчликни сақлаш, халқаро терроризмга қарши кураш олиб бориш борасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида турли йўналишда ҳамкорлик олиб бормоқда. "Термиз" полигонида Россия ҳарбийлари билан ҳамкорликда ўтказилган "Сурхон — 2020" махсус тактик ўқув машғулоти ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

# МУҚАДДАС БУРЧ

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти томонидан маълум қилинишича, Россия ҳарбийлари бир неча кун давомида "Термиз" дала ўқув майдонида бунёд этилган ўқув нуқталарида машғулотнинг асосий босқичида амалга ошириладиган ҳаракатлар бўйича тайёргарликдан ўтди. Ушбу машқларни бажариш чоғида уларга ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ва йўриқчиларнинг тажрибаси қўл келди.

Илгари ҳам юртимизда ўтказилган ҳамкорликдаги ўқув машғулотида қатнашган подполковник Александр Колянов Россия ҳарбийлари 26 та тўсиқдан иборат ўта мураккаб йўлакдан ўтиш ва шартли террорчилар жойлашган аҳоли яшаш пунктини жангарилардан тозалаш операциясида биринчи марта қатнашаётганлигини таъкидлади. Меҳмонлар "Термиз" дала ўқув майдонидаги ўта мураккаб йўлакдан ўтиш машқлари ҳарбий хизматчининг нафақат жанговар тайёргарлигини оширишда, балки ҳар бир жангчининг чидамлилигини оширишда муҳим аҳамият касб этишига машғулотлар давомида гувоҳ бўлдилар. Чунки бир неча километр масофа оралиғидаги тўсиқларни босиб ўтиш жараёнида ҳарбий хизматчилар бокс рингида аввал битта, кейин иккита кучли рақибнинг зарбаларига чидаб бериши, ўзига бириктирилган топшириқни пичоқ ва белкуракни мўлжалга аниқ отиш билан якунлаши шарт этиб белгиланганди.

Ўзбекистон ва Россия ҳарбий хизматчилари шунингдек, шаҳар шароитида биноларни эгаллаб олган ноқонуний қуролланган гуруҳлардан тозалаш операцияси бўйича ҳам тайёргарлик машқларини бажардилар. Ҳар кунлик машғулотлардан сўнг ташкилотчилар томонидан меҳмонлар учун маданий тадбирлар ва Термиз шаҳрида жойлашган музейлар бўйлаб саёҳат уюштирилди. Термиз шаҳри маданият саройида ташкиллаштирилган концерт дастури, Сурхондарё вилояти археология музейи ҳамда тарих ва маданият музейи уларда унутилмас таассуротлар қолдирди.



Ўтказилган бир неча кунлик тайёргарлик машқларидан сўнг икки давлат ҳарбийлари "Сурхон — 2020" махсус тактик ўқув машғулотининг асосий босқичида иштирок этди. Бир вазиятнинг ўзида бир нечта ўқув нуқталарида бошлаб юборилган ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи, генерал-майор Павел Эргашев ва Россия Федерацияси Марказий ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник Александр Лапин кузатиб борди.

Ўқув-машғулотининг асосий босқичига икки мамлакатнинг 200 нафар ҳарбий хизматчиси, юртимиз мудофаа соҳаси мутахассислари, шунингдек, 20 та ҳарбий ва махсус техника воситалари жалб этилди.

Махсус тактик ўқув машғулотига жалб этилган ҳарбий хизматчилар ва жанговар машиналар Сурхондарё вилояти Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари ҳамда ДХХ Чегара қўшинлари ҳамкорлигида белгиланган топшириқларни муваффақиятли тарзда бажарди. Ўқув машғулот якунида топшириқларни бажаришда фаоллик кўрсатган ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон ва Россия Мудофаа вазирлигининг медаллари, эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

"Сурхон — 2020" махсус тактик ўқув машғулоти Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги икки томонлама дўстона ҳамда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги навбатдаги қадам вазифасини бажарди.

**«Халқ сўзи».**

# КИМ ВАТАНГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!

*Ҳар йили 15 декабрдан 15 январга қадар бутун мамлакатимиз бўйлаб "Ватанпарварлик ойлиги" тадбирлари ўтказилади. Жорий йилда ана шу тадбирлар "Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!" деган ғоя асосида ташкил этилмоқда.*

Ойликни ўтказишдан мақсад юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга, ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайратини, салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтиришдан иборат.

Ҳеч кимга сир эмаски, 2020 йил бутун дунё учун, жумладан, мамлакатимиз учун ҳам синовли йил бўлмоқда. Юртимизда юз берган глобал пандемия, табиий ва техноген офатлар халқимизнинг сабр-бардоши, матонати, ҳамжиҳатлигини яна бир бор синовдан ўтказди. Ушбу офатлар оқибатларини бартараф этиш ишларида ҳарбий хизматчилар ҳам фаол иштирок этиб, халқ ва армия бир-бирига нақадар яқин ҳамда муштарак эканини яна бир бор намоён этди. Жумладан, ушбу мураккаб кунларда таълим муассасамиз жамоаси ҳам халқимизга камарбаста бўлди.

Академия барча шахсий таркиби бугунги кунда навқирон авлод, айниқса, уюшмаган ёшлар онгу тафаккурига она Ватан тақдири учун барча бирдек жавобгар эканини чуқур сингдириш борасидаги тарғибот ишларида фаол қатнашмоқда.

"Ватанпарварлик ойлиги" доирасидаги маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга, юксак маънавиятли ёшлар сафини янада кенгайтиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Акмалжон ШОКИРБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи, подполковник.**

## Анжуман

*Пойтахтимизда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан "Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази: истиқболдаги режалар" мавзуида халқаро онлайн анжуман ташкил этилди.*

# ИЛМ-МАЪРИФАТ — ОНГУ ҚАЛБИМИЗНИ ЁРИТУВЧИ НУР

Унда юртимиз ҳамда Миср, Марокаш, Иордания, Туркия, Покистон, Германия, Босния ва Герцеговина, Россия, Афғонистон, Малайзия, Индонезия, Буюк Британия, Франция, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Мавритания, Бруней, Австрия каби мамлакатлардан 40 дан зиёд соҳа вакиллари, олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари қатнашди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғофур Аҳмедов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом олами халқаро ташкилоти (ICESCO) бош директори, доктор Салим ал-Малик, Ал-Азҳар ислом тадқиқотлари академияси бош котиби, доктор Назир Муҳаммад Айяд ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда янги Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар доирасида жаҳон илм-фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшган алломаларнинг ҳаёти ва бой илмий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, ёш авлоднинг ушбу эзгу ишларни давом эттиришига барча қулайликларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги қарори асосида ташкил этилган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказида ҳам бу борада кенг кўламли шарт-шароитлар ҳозирланган.

Бугунги кунда ушбу зиё масканида фаолият юритаётган олимлар ва тадқиқотчилар ақида ва калом илмлари ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ҳамда унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганмоқда. Олинган натижалар асосида қомуслар, каталоглар, китоблар ва халқчил рисолалар тайёрлаб, нашр этмоқда.

Марказда "Жаҳолатга қарши — маърифат" ғояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка чорловчи ғояларини халқимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш, бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Анжуманда глобаллашув жараёнида намоён бўлаётган мафкуравий таҳдидларга қарши кураш жараёнида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди. Ушбу йўналишда ахборот ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш, ислом дини ниқоби остида фаолият кўрсатаётган оқимларнинг деструктив ғоялари тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлари режаси муҳокама қилинди.

— Қардош ўлка Ўзбекистоннинг муҳтарам Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб этиш, илм-маърифатни ривожлантириш борасидаги ишлардан ғоят мамнунмиз, — дейди Туркиянинг Диёнат ишлари бошқармаси раиси, профессор Али Эрбаш. — Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузурида фаолият бошлаган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг маданиятимизнинг мағизлари бўлган фикрлар ва асарларни қайтадан бутун дунёга танитиш хусусидаги ишларини юксак баҳолаймиз. Илм-маърифат — онгу қалбимизни ёритувчи нурдир. Бу илмий марказнинг муҳим вазифаларидан бири илм ҳамда ирфон анъанамиздан олажак куч ва илҳом билан бугунги куннинг энг долзарб муаммоларига ўз манбалари асосида ечим топишдан иборат. Бу борадаги эзгу ишлар, айниқса, сўнгги даврларда бўй кўрсатган маънавий инқирозлар, инсониятга таҳдид солаётган эътиқодий ва ахлоқий муаммолар, умидсизлик ва ижтимоий масалаларга самарали ечим топишда муҳим ўрин тутишига ишончимиз комил.

Тадбирда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом олами халқаро ташкилоти (ICESCO) билан Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун англашув меморандуми имзоланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Рустам Қосимов сўзга чиқди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Бозордаги нарх-наво ўрганилмоқда

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, истеъмол бозори, савдо ташкилотларидаги нарх-наво барқарорлиги, маҳсулотлар нархи сунъий оширилишининг олдини олиш борасида маҳаллий ҳокимлик органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини атрофлича ўрганмоқдалар.*

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

Хусусан, 57-Суғдиёна сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Елена Компольшик ҳам эрта тонгдан сайлов округида мавжуд ҳолатни ўрганиш мақсадида учрашувлар ўтказди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан таркиб топган ишчи гуруҳ Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 16 декабрь куни озиқ-овқат хавфсизлигига бағишланган йиғилишда байрамдан олдин маҳсулотлар нархини оширишга йўл қўймаслик, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш, бозорда санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш ҳолатини ўрганиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги "Темир йўл деҳқон бозори"да бўлди.

Депутат бозорда озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи ва сифатини кўздан кечирди. Сотувчи тадбиркорлар билан мулоқот қилиб, карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда фаолият юритиш зарурлигини, пандемия ҳали чекинмаганлигини таъкидлади.

Аҳолини озиқ-овқат ҳамда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, нарх-навонинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш борасида "Темир йўл деҳқон бозори"да амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан ҳам яқиндан танишди.

Ўрганишларда маълум бўлдики, деҳқон бозорида "Даладан — дастурхонгача" дастури доирасида арзонлаштирилган ярмарка ташкил этилган. Харидорлар билан олиб борилган суҳбатда ҳам ушбу ярмаркада арзонлаштирилган маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилгани, аҳолига яратилган қулайликлардан мамнунлиги аён бўлди. Хусусан, бозорда 1 кг. картошка бозорда 3600 сўмдан бошланса, ярмаркада 3 минг сўмдан сотилмоқда.

Депутатларнинг ҳудуддаги ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДА МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

*Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳаси устида фаол иш олиб борилиб, таклифлар ўрганилмоқда.*

*Қайд этиш керак, янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳасида бир қатор муҳим янгиликлар жорий этиляпти. Чунончи, амалдаги Ер кодексида хўжаликлараро ер тузиш тартиби ширкат хўжаликлари фаолият кўрсатаётган даврларда белгиланган. Ширкат хўжаликларининг ерлари фермер хўжаликларига тақсимланиши муносабати билан, ер тузиш ишларини такомиллаштириш талаб қилинаётгани сабабли янги таҳрирда ўзгартиш киритилмоқда.*

## Фикр

Қонунчилик техникасига мувофиқ, мазмунан бир-бирига яқин моддалар бир бобга бирлаштирилиб, давлат ер кадастри — янги боб сифатида қайд этилмоқда.

Шунингдек, ер участкасининг кадастр рақами тўғрисидаги норма киритиляпти. Яъни Ўзбекистон Республикасида ҳар бир ер участкасига у шакллантирилганидан сўнг унга бўлган ҳуқуқни дастлабки давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр рақами берилади. Ер участкасининг кадастр рақами мамлакат бўйича такрорланмайдиган ҳисобланиб, ер участкасининг жойлашган жойини ва бошқа ўзига хос белгиларни тавсиф этувчи рақамлардан иборат бўлиши кўзда тутилмоқда.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмагунга қадар, ер участкаси билан, шунингдек, унда жойлашган бино ва иншоотлар билан боғлиқ бўлган битимлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши тўғрисида норма акс этяпти.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ер участкаси қонунчиликда белгиланган тартибда берилгандан ёки олингандан, шунингдек, ер участкасининг чегараси ва майдони ўзгаргандан сўнг бир ой муддатда ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши бўйича мурожаат этишлари мажбурий эканлиги кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, ерларнинг миқдорини ҳисобга олиш алоҳида модда билан киритилмоқда. Унда белгиланганидек, ерларнинг миқдори ер участкаларидан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилувчилари ва мулкдорларининг ер фонди тоифалари, кичик тоифалари, ер турлари бўйича белгиланган шаклдаги контурлар қайдномаси асосида юритилади.

Бундан ташқари, тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида алоҳида нормалар белгилаш мақсадида "ерларнинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш" алоҳида янги модда сифатида киритилмоқда. Бунда тупроқнинг бонитет баллари қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлашда, қишлоқ хўжалиги ерларини ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун беришда, қишлоқ хўжалиги нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш ҳажмини аниқлашда, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни баҳолашда, қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солишда қўлланилиши мумкин.

Шу билан бирга, ерларнинг қиймат баҳосини аниқлаш ҳам янги моддада акс этмоқда. Бунда ер ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий услубларини жорий қилиш мақсадида барча тоифадаги ерларнинг қиймат баҳосини чиқариш натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга ошириш имкони берилади.

Янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳасида ер участкаларидан фойдаланиш, ер участкаларини ижарага олиш ва ерларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларининг қиймат баҳосини белгилаш нормаси ҳам киритилмоқда. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг қиймат баҳоси ушбу ҳудудда охирги чоракда унга ўхшаш ер майдонларига бўлган доимий фойдаланиш, ижара ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари кимошди савдосида сотилган ўртача нархидан келиб чиқиб шакллантирилиши кўзда тутиляпти.

Қайд этиш жоиз, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари ерларни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, уларни баҳолаш бўйича асосий ҳужжат бўлиб, ер участкасининг жойлашган жойи, фойдаланиш мақсади, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олади. Ер фонди тоифалари, кичик тоифалари, ер турлари, ер участкаларининг майдони, сифат ҳолати ҳамда қиймат баҳоси тўғрисидаги асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Шу боис кодекс лойиҳасида ер участкаларидан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилувчилари ва мулкдорларига тегишли бўлган ер участкаларининг географик жойлашувини ва чегараларини тавсифлаш мақсадида туман (шаҳар) ер кадастри дафтарини юритиш билан биргаликда туман (шаҳар) навбатчи ер кадастри харитаси ҳам юритилиши белгиланмоқда.

Лойиҳага кўра, Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот юритилишида ҳам муҳим жиҳатлар эътиборга олиняпти. Чунончи, Миллий ҳисоботда ер майдонларидаги ўзгаришлар, ер тоифалари, кичик тоифалари ва ер турларининг ўзгариш сабаблари, топография, геодезия, картография, тупроқ бонитировкаси ишларининг бажарилиши, агрокимё таҳлилларининг амалга оширилиши, геоботаник ва бошқа йўналишларда изланиш ва тадқиқотлар олиб борилиши, ерларни хатловдан ўтказиш ва уларнинг кадастр қийматини аниқлаш ишларининг бажарилиши, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, ўтказилган ер мониторинги натижалари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Албатта, янги таҳрирдаги Ер кодексини қабул қилишда ер тузиш масалалари билан боғлиқ жараёнларнинг норматив-ҳуқуқий ечимлари ва тартибини белгилаш оптималлашади. Аҳамиятлиси, ушбу ҳужжат билан ер муносабатларини қонуний тартибга солиш бўйича бир қатор ижобий ўзгаришлар кутилмоқда. Берилган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ерга бўлган мулкчиликни таъминлаш, ер тузиш ва давлат ер кадастри билан боғлиқ ишларнинг сифат даражасини ошириш, соҳага оид материаллар ва маълумотларнинг сифатлилиги, ер участкаларини ажратишда шаффофлик, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кабилар шулар жумласидан.

Янги таҳрирдаги кодекс лойиҳаси бўйича тегишли вазирлик ва идоралардан фикр ва мулоҳазалар олиш давом этмоқда.

**Аъзамжон ТЎЛАБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси.**

# КАМЧИЛИКЛАР АЙНАН МАВСУМДА КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА

## Бунинг сабаблари нимада?



1 Совуқ кунлар яқинлашавериши билан бизда битта — куз-қиш мавсумига тайёргарлик масаласи кун тартибига чиқади. Энг долзарб мавзуга айланади. Норозиликлар пайдо бўлиши ҳам бор гап.

Аксарият мутасаддилар буни мавсумда электр энергияси, газ ёки бошқа маҳсулотларга талаб ортиб кетиши ёки ишлаб чиқариш ускуналари эскиргани билан изоҳлашади. Бу тушунарли. Лекин буни мутасаддилар олдиндан билмайдиларми? Қоғоздаги ҳисоботлар ким учун? Қоғозни халққа, истеъмолчига фойдаси йўқ ҳисобот билан тўлдиришдан ким манфаатдор? Қисқаси, саволлар кўп ва улар бугун ҳам долзарблигича турибди.

Шу боис давлатимиз раҳбари бошчилигида куни кеча қиш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу йўналишдаги ишлар танқидий таҳлил қилинди. Мутасаддилар зиммасига бир қатор вазифалар қўйилди. Бунинг сабаби бор, албатта. Яъни юқорида қайд этганимиздек, тайёргарлик ишлари эътиборсизлик билан номига амалга оширилган ёки умуман қилинмаган.

Қайд этиш керак, кейинги йилларда мамлакатимиз энергия соҳасида муайян ишлар бажарилмоқда. Ушбу мақсадда бир қатор истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқариляпти. Булар сирасига Тўрақўрғон ва Тахиатош иссиқлик станцияларида иккитадан, Навоий ва Тошкент иссиқлик станцияларида эса биттадан янги энергия блоклари ишга туширилди. Аммо истеъмолчилар сони доимий равишда ўсиб бормоқда.

Бу йил кузда совуқ эрта тушиб, ҳаво ҳарорати аввалги йилларга нисбатан кескин пасайди. Натижада электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ ҳамда иссиқлик таъминотида тез-тез узилишлар бўлди. Бу вазият ҳудудлар ва тармоқларда қиш мавсумига тайёргарлик етарли даражада кўрилмаганини кўрсатди.

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари мавсумда аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу борада қилинган ишларни таҳлил қилди. Қилинажак вазифалар эса белгилаб берилди. Зеро, қиш пишиқчилик мавсуми эмас. Шундай экан, озиқ-овқат маҳсулотлари нарх-навоси унинг қанчалик жамғарилганига боғлиқ.

Йиғилишда кўтарилган масалалар долзарб. Шундай экан, мутасаддилар энди бу борада қандай ишларни амалга оширадилар? Одамларни қийнаётган муаммоларнинг ечими нимада?

"Халқ сўзи" мухбирлари ушбу саволларга жавоб олиш учун айрим мутасаддиларга мурожаат қилди.

### Маҳаллий бюджетдан 9 миллиард сўм ажратилди

*Қиш мавсуми иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва мамлакат учун жуда катта синов даври ҳисобланади. Ҳар йилгидан фарқли равишда бу йил ёғингарчиликнинг барвақт бошлангани бирмунча ноқулайликлар келтириб чиқаргани рост. Ўтган даврда Қашқадарё вилоятида электр энергиясида чекловлар юзага келди, табиий газ етказиб беришда, аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлашда бирмунча муаммолар юзага чиқди.*

Йиғилишда асосий эътибор мана шу юзага келган муаммоларни бартараф этишга қаратилди. Давлатимиз раҳбари электр энергияси таъминоти бўйича мавжуд энергия етказиб берувчи тизимлардаги захираларни ишга тушириш борасида топшириқ берди.

Бугун вилоятимизнинг 600 дан зиёд маҳалласига суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилади. Аслида бундай хонадонлар 615 мингта бўлса, бизнинг ҳисобимизда 780 мингта газ баллон мавжуд. Албатта, бу аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун жуда кам. Шундан келиб чиқиб, масалани ўртага қўйдик. Давлатимиз раҳбари қўшимча равишда газ баллонлар етказиб бериш борасида тегишли ташкилотларга уч кун муддат берди.

Кейинги масала, газ ва электр тармоқларига ноқонуний уланишлар билан боғлиқ бўлиб, ўн кун ичида ўтказилган хатловда 80 дан зиёд ноқонуний ҳолатлар учради. Мисол тариқасида айтилдики, Муборак туманида бир тадбиркор ўзининг ғишт заводини тармоққа ноқонуний улаши натижасида учта катта қишлоқ аҳолисининг йиллик истеъмолига тенг газни ёққан. Мана шу ўринда жамоатчиликни бирлаштириш масаласи қўйилди.

Яна бир долзарб масала, бу — бозорларда нарх-навони мутаносиб ушлаб туриш, аҳолини арзон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган бўлиб, мамлакатда бугун четдан олиб келинадиган маҳсулотларга чекловлар олиб ташлангани билан боғлиқ. Яъни ўсимлик ёғи, шакар ва картошка маҳсулотларига чекловлар бекор қилинган. Биз ҳам Қашқадарёда аҳолига картошка, ўсимлик ёғи, гўшт, тухум, парранда гўшти ва балиқ етказиб беришда илк бор вилоятнинг маҳаллий бюджетидан маблағ ажратдик. Бу тарихда бўлмаган. 9 миллиард сўм маҳаллий бюджет маблағи ҳисобига картошкани четдан олиб келдик, паррандачилик фабрикаларига нархни кўтармаслик учун тухумнинг пулини олдиндан тўлаб қўйдик, ўсимлик ёғи олиб келдик. Шакар маҳсулотида муаммо бор эди, бу ҳам ечимини топди.

**Зойир МИРЗАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокими.**

### Ишончни оқлаш учун бутун жамоамиз билан меҳнат қиламиз

*Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан электр энергияси таъминоти жуда қаттиқ танқид қилинди. Чиндан ҳам, об-ҳавонинг эрта совиши натижасида кўп камчиликларимиз кўриниб қолди. Президентимиз қиш мавсумини беталафот ўтказиш, аҳоли, иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берди.*

Куз-қиш мавсумида республика бўйича 474 та тезкор бригадалар ташкил этилган бўлиб, улар кечаю кундуз навбатчилик қилади. Бирор жойда авария ҳолати юз берадиган бўлса, мутахассисларимиз уни тезкорлик билан бартараф этиш чорасини кўради. Бу вазифаларни бажаришда, шунингдек, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари янада жонлантирилади.

Шу мақсадда ҳар бир туманда бўлиб, электр энергияси таъминоти тизимида бўлаётган янгиликлар, қилинаётган ишлар билан таништирамиз. Яъни халқимиз ишончини оқлаш учун бутун жамоамиз билан ҳаракат қиламиз.

**Улуғбек МУСТАФОЕВ,**
**«Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.**

### Узлуксиз таъминотга эришиш устувор вазифамиз

*Йиғилишда Президентимиз бизнинг тизимимиз олдига ҳам жуда катта вазифаларни қўйди. Газ қазиб чиқариш маромини туширмасдан аҳолига узлуксиз етказиб бериш улардан энг асосийси ҳисобланади.*

Жамиятимиз 2020 йилда ўз олдига аҳолига 33,6 миллиард кубометр газ етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб олган. Шу мақсадда узлуксиз иш ташкил этилган. Январь-февраль ойларида ҳам бу жараённи тезлаштириш ва аҳолига етказиб бериш масаласи қўйилган.

Яна бир масала, бу, аҳолига суюлтирилган газ етказиб беришда узлуксизликни таъминлашдир. Сентябрь ойида аҳолига 42 минг тоннага яқин суюлтирилган газ етказиб берган бўлсак, ҳозирги кунда бу кўрсаткични қарийб 60 минг тоннага етказиш белгиланган. Бу ишлар кейинги икки ойда ҳам худди шу маромда амалга оширилади.

**Меҳриддин АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.**

### Асосий эътибор ички эҳтиёжга қаратилади

*Видеоселектор йиғилишида аҳоли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмолчиларнинг табиий ва суюлтирилган газга бўлган талабини қондириш масаласи кескин танқид қилинди. Мазкур йўналишда йўл қўйилган камчиликлар, узилишларни бартараф этиш бўйича қатъий вазифалар қўйилди.*

Истеъмолчиларни бир маромда таъминлаш мақсадида экспортга йўналтирилган табиий ва суюлтирилган газни ички бозорга қайта тақсимлаш орқали аҳоли ва бошқа истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш вазифалари белгиланди.

Ҳозирги кунда шу мақсадда барча кучлар сафарбар этилган.

**Баҳодир ЭШМУРОДОВ,**
**«Ҳудудгазтаъминот» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.**

### Одамлар ҳаётидан рози бўлиб яшаши керак

*Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселекторда ниҳоятда муҳим масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, газ, электр энергияси ва кўмир билан таъминлаш борасидаги ишларга танқидий баҳо берилди.*

Дарҳақиқат, бу, халқимизнинг нафақат бугунги, балки узоқ йиллардан буён ечимини кутиб турган муаммосидир. Маҳаллий ҳокимият юртдошларимизнинг ўтаётган ҳар бир кунидан миннатдор бўлиб яшаши учун зарур шароитларни яратишга масъул. Шу боис Андижон вилоятида жорий йилнинг шу давридагига қадар 500 километрлик электр энергияси узатиш тармоқлари ва 266 дона трансформатор пункти ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, 1 декабрь ҳолатига кўра, электр тармоқлари қуриш 100,2 фоизга, трансформатор пунктларини ўрнатиш 113 фоизга бажарилди.

Бундан ташқари, 1585 км. электр тармоқлари ва 581 трансформатор пунктларини мукаммал таъмирлаш, шунингдек, 3170 км. электр узатиш тармоғи ва 1 162 та трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш тўлиқ якунига етказилди. Натижада 150 мингдан зиёд аҳоли хонадонлари, 300 га яқин ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Жорий йилда 2,5 млрд. сўм маблағ эвазига намунавий лойиҳадаги уй-жойларни газлаштириш учун режадаги 9,8 км. газ тармоқларидан 8 км. қисмида қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, 1,5 км. газ қувурларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш тўлиқ якунланди. Шунингдек, аҳолига 54,5 минг тонна суюлтирилган газ ҳамда 26 минг дона газ баллонлари етказиб берилди. Йил якунига қадар, 1,8 км. газ тармоқлари қуриб битказилади, аҳолига 4,5 минг тонна суюлтирилган газ ҳамда 2 минг дона газ баллонлари етказиб берилади. Амалга оширилган ишлар натижасида 8 мингга яқин аҳоли хонадонлари ва 52 та ижтимоий соҳа объектлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг табиий газ таъминоти яхшиланади.

Табиий газ масаласига келсак, вилоятда 2015 йилга қадар 589 мингта хонадондан 487 таси газлашган эди. Бироқ, шулардан 71 тасига табиий газ етказиб беришнинг имкони бўлмаган. Натижада шу йилнинг ўзида газ етиб бормайдиган ҳудудларни табиий газ тармоғидан узиб, суюлтирилган газ етказиб беришни йўлга қўйганмиз.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, вилоятимизга табиий газ магистраль қувурлар орқали Бухоро вилоятидан қарийб 2 минг км. масофадан етказиб берилади. Водий вилоятлари ичида Андижон вилояти магистраль газ қувурининг охирги ҳудудида жойлашганлиги сабабли ҳозир газ таъминотида узилишлар вужудга келмоқда. Ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда, аҳоли газ таъминотини яхшилаш мақсадида автомобилларга газ қуйиш шохобчалари ҳамда бошқа улгуржи истеъмолчиларга газ берилиши вақтинча тўхтатилиб, бундан иқтисод қилинган кунлик ўртача 200 минг метр кубгача бўлган табиий газ аҳоли истеъмолига йўналтирилмоқда. Бироқ бу масаланинг ижобий ечими эмас. Боиси айни пайтда вилоятда 1 713 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларни иситишнинг муқобил шакли йўқ. Яъни кўп қаватли уйларда кўмир, ўтин ва шу каби ёнилғидан фойдаланиш учун шароит мавжуд эмас. Шу боис биринчи галда кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш куннинг долзарб масаласига айланди. Табиий газ етиб бормайдиган ҳовли жойларга эса кўмир пешма-пеш етказиб берилаётир. Ҳозир омборларда 9 минг тонна кўмир захираси мавжуд. Айни пайтда вилоятга кўмир етказиб келиш жараёнлари давом этмоқда.

**Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ,**
**Андижон вилояти ҳокими.**

### Қўшимча савдо ярмаркалари ташкил этилади

*Бугунги кунда Нукус шаҳрида 61 маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларда 320 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар ҳудуди электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви тармоқлари билан тўлиқ таъминланган.*

Айни кунларда об-ҳавонинг кескин пасайиб кетиши кузатилмоқда. Ана шундай ҳолатларда таъминотда узилишлар бўлмаслиги учун ҳокимликда тегишли ташкилотлар билан биргаликда махсус штаблар ташкил қилинди.

Яқинда 4 та сектор раҳбарлари иштирокида Навбаҳор маҳалласи аҳолиси билан сайёр қабул ўтказганимизда ҳудуд аҳолиси қўшимча трансформатор ўрнатиб беришни сўраб мурожаат қилган эди. Бу мурожаат ижобий ҳал этилди ва маҳаллий бюджет ҳисобидан янги трансформатор сотиб олиниб, айни вақтда ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, электр энергияси бўйича энг кўп мурожаатлар бўлаётган ва муаммолар аниқланган Хўжан овул маҳалласида ҳам электр линияларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво ошиб кетишининг олдини олиш бўйича ҳам қатор топшириқлар берди.

Президентимиз белгилаб берган ушбу вазифалар юзасидан, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари нархи асоссиз ошиб кетмаслиги учун Нукус шаҳар марказий деҳқон бозорида ярмаркалар ташкил қилган эдик. Бугунги топшириқлардан келиб чиқиб, бу борадаги ишларимизни танқидий кўриб чиқамиз ва шаҳар ҳудудида Янги йил байрами олдидан халқимиз учун арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган яна 20 та савдо ярмаркасини ташкил қиламиз.

**Утемурат ПАНАЕВ,**
**Нукус шаҳар ҳокими.**

### Ҳар бир раҳбар фаолиятида натижадорлик зарур

*Видеоселекторда Президентимиз бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турган, жорий йил об-ҳаво аввалги йилларга нисбатан эрта ва кескин пасайган бир шароитда унга барча раҳбарлар бирдек тайёр туриши, аҳолини узлуксиз газ ҳамда электр энергияси билан таъминлаш, уларга кўмир ва суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш масалаларини олдимизга кўндаланг қилиб қўйди. Мазкур соҳадаги камчиликларга танқидий баҳо берилди.*

Аввало айтиш керак, ҳар бир лавозимда, вазифада ўтирган шахс у вилоят ёки шаҳар ва туман ҳокими бўладими, албатта, ўз ҳудуди аҳолисининг дардини тинглаб, коммунал соҳадаги муаммоларини ўрганиши, уларга қишнинг совуқ кунларида зарурий шароитни яратиши шарт.

Хусусан, вилоятимизда ҳам мазкур йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда электр энергияси таъминоти бўйича 169,5 км. юқори кучланишли электр тармоқлари, 1064 км. паст кучланишли электр тармоқлари, 2 та нимстанция трансформатор, 242 та трансформатор пунктлари мукаммал таъмирланди. 492 км. юқори кучланишли электр тармоқлари, 1974,7 км. паст кучланишли электр тармоқлари, 103 та нимстанция трансформаторлар, 484 та трансформатор пунктларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Табиий газ таъминоти бўйича эса вилоятда 240,4 мингта аҳоли хонадонидан 149 минг 670 та хонадон табиий газ ҳамда 90 минг 735 та хонадон суюлтирилган газ билан таъминланган. Бугунги кунда вилоятнинг аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларига бир кеча-кундузда 5 миллион $м^3$ табиий газ етказиб берилмоқда. Шунингдек, 4,2 км. газ қувурларини реконструкция, 22 дона газ тақсимлаш пунктларини мукаммал, 5 394 та газ тақсимлаш пунктларини тафтиш қилиш, 114 км. газ қувурларини босим остида синаш, 83 км. ер ости газ қувурлари ҳолатини текшириш, 29 км. газ қувурларини бўяш ишлари олиб борилди.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, аҳолини табиий газ билан таъминлаш, қишлоқ жойлардаги хонадонларга электр энергияси етказиб бериш, суюлтирилган газ, кўмир ва брикетлар билан таъминлашда ҳалигача муаммолар учраб турибди. Мазкур муаммоларни секторлар, ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари билан жойида ўрганиш, аҳоли мурожаатларини таҳлил қилган ҳолда соҳага чуқур ёндашиш ва имкон даражасида муаммоларни жойида ҳал этиш чораларини кўрамиз.

**Эргаш СОЛИЕВ,**
**Жиззах вилояти ҳокими.**

«Халқ сўзи» мухбирлари ёзиб олди.

## Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллигига



*Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 ноябрдаги фармойиши билан бир гуруҳ ижодкорлар, илм-фан намояндалари қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги ҳам мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.*

*Қуйида халқимиз ардоғидаги ёзувчи ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.*

### ТАНСИҚ

*Шаҳримизга ҳали қирдан лола келмаган эди.*

*Кексалар тўқсон чиқди-ю, оппон-соппон ҳали турибди, битта қор ўтсин, ундан кейин ҳамал киради, дейишарди.*

*Аммо Чилонзор томонда турадиган бир темир йўлчи жувон очиқ машинада бир даста лола кўтариб ўтди.*

*Ҳамманинг кўзи унинг қўлидаги лолада. Ўтган ҳам, кетган ҳам қарайди. Машина тез юрганидан шамол лолани шундай ҳилпиратадики, офтобда у худди лов-лов ёнаётганга ўхшайди.*

*Шу пайт шамол лоланинг биттасини юлқиб олди-да, кўча ўртасига улоқтирди.*

*Машиналар катта тезлик билан бири кетидан бири учиб бормоқда. Шофёрлар лолага етай деганда руль буриб унинг ёнидан айланиб ўтиб кетишади.*

*Мана шу аҳволда кун чошгоҳ бўлди. Лола ҳали ҳам кўча ўртасида чўғдек ёниб турибди. Машиналар ҳамон унинг ёнидан айланиб ўтиб кетишяпти.*

*Йўловчилар юракларини ҳовучлаб ишқилиб машина босиб, эзғилаб кетмасин-да, деб ташвиш қилишади.*

*Охири кўчани тартибга солиб турган милиционер чидамади. Кўча ўртасига тушди.*

*Машиналар бири кетидан бири тормоз бериб тўхташди.*

*Постовой оҳиста бориб лолани олдида, фуражкаси тагидан чаккасига қистириб қўйди.*

*Машиналар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Шофёрлар, йўловчилар чорраҳага келганда машина деразасидан бош чиқариб, милиционер чаккасидаги лолага қарашади. Уларнинг юзида бир чиройли табассум порлайди.*

*Шу куни лола очилганини бутун шаҳар билди.*

*...Одамлар дилига бу йил баҳор вақтлироқ киргандек бўлди.*

### БИР УМР...

*Театр майдонидаги саҳн баҳор кезлари жуда гавжум бўлади.*

*Қари-қартанг, ёш-яланг скамейкаларга ўтириб олиб ўзларини офтобга товлашади. Кампирлар аравачаларда невараларини олиб келиб, ўзлари кўзойнак устидан газетани ялагудек қилиб ўқишади.*

*Мен ҳам бўш пайтларимда шу ерда ҳордиқ чиқаришни яхши кўраман...*

*Бир кун киоскадан газета олиб ўқиб ўтирган эдим, ёнимда ҳассасини скамейкага тираб бир хотин ўтиради. Унинг олдидаги ҳаворанг аравачада невараси ипи тугмасига боғлаб қўйилган қизил шарни ушлаб ололмай қийқиради. Кампир унга бепарво, ўтган-кетганларни томоша қилади.*

*— Неварами? — дедим. Кампир ўгирилиб қаради.*

*— Йўқ, айланай, чевара. Чевара ширин бўларкан. Онаси ёш. Дадасининг ўзи бола. Ўзим оёққа турғизиб бермасам эплашолармиди.*

*— Ҳали юрмайдими?*

*— Юриш қаёқда айланай. Энди той-той туряпти.*

*Биламан, болалар жуда айёр бўлишади. Кўтарадиган одамни топишса, сира ерга оёқ қўйишмайди. Бу бола ҳам шунақа қилаётгандир. Кампирнинг меҳрибонлигидан фойдаланаётгандир.*

*— Юриб ҳам кетарди, қиш пайтида бола юришга эринади. Мана, офтоб одамнинг елкасини қиздириб қолди. Энди юриб кетар.*

*Кампир шундай деб болани аравачадан олди. Икки қўлтиғидан ушлаб ерга қўйди. Бола аввалига тиззасини букиб тихирлик қилиб турди-да, кейин икки оёғини ерга тиради.*

*— Қани, амакингларга битта той-той туриб бергин.*

*Кампир уни қўйиб юборди. Бола худди ҳавода муаллақ қолгандек омонат туриб қолди, кейин бирдан олдинга шўнғиб кетди. Шу шўнғиганда ўнг оёғини кўтариб ташлади. Йиқилмади. Кейин яна бир марта шундай қилди-ю, маст одамдек гандираклаб юриб кетди. Тўрт-беш омонат қадам ташлаб орқаси билан ўтириб қолди. Кампир югуриб бориб уни кўтарди. Бола энди аравага ўтиргиси келмай, ерга тушишга ҳархаша қилаверди. Кампир уни ерга қўйишга мажбур бўлди.*

*Шу алфозда бола уч-тўрт марта юришга интилди. Охири пилдираб беш-олти қадам босадиган бўлиб қолди. Кампир хурсанд.*

*Уларга қараб туриб, ўйлаб кетибман.*

*Боланинг оёғи ерга тегди. Биринчи қадами бошланди.*

*Эҳ-ҳе, бу одам ҳали ҳаётда қанчадан-қанча ерларни шу оёқ билан босиб ўтади. Умр бўйи...*

### БОБО, БОЛА, ГУЛ

*Бобо эшиги олдидаги супада соатлаб ўтирарди. Ўтган-кетганга чой тутиб супачасига таклиф қиларди.*

*Бу баҳор у супа ёнбошига кичкинагина гулзор қилди. Чиройли жўякчалар тортиб анвойи гуллар экди. Мана, бир туп атиргул ғунчага ҳам кирди. Айниқса, битта ғунча ана очиламан, мана очиламан, деб турибди. Чолнинг икки кўзи шу ғунчада.*

*"Тикилган қозон қайнамас" дегандек, унинг очилиши жуда қийин бўлди. Бобо унга тикилавериб кўзлари толди.*

*Бир кун эрталаб одати бўйича шолчасини судраб супага чиқса, бирам чиройли бўлиб очилибдики!.. Чол тишсиз оғзини очганича унга тикилиб қолди. Шолчани супага ташлаб гул тепасига келиб энгашди. Кафти билан уни беозор кўтариб ҳузур қилиб ҳидлади.*

*Бобонинг табиати равшан бўлиб кетди, Шолчани супага хотиржам ёзиб чой олиб чиққани кириб кетди. У қайтиб қўлида чойнак-пиёла билан чиққанда гул бандида йўқ эди. У ҳайрон бўлиб у ёқ-бу ёққа қараса, кўчанинг нариги бетида бир хотин аравачада ўтирган икки ёшлар чамасидаги боласига ўша гулни беряпти.*

*Бобонинг ғазаби қайнаб кетди. Бу нимаси, кап-катта одам, бировнинг гулини узгани уялмайдими? Бу яшнаб турган гул қанчадан-қанча кишиларнинг баҳридилини очарди-ку!*

*Бола онасининг қўлидан гулни олди-да, қип-қизил баргчаларини юлаверди. Бирпасда унинг оппоқ қўйлаклари, кўк товар кўрпачалари гул япроқларига тўлди.*

*Бола оппоқ қўлчалари билан шу япроқчаларни бирма-бир териб тикмачоқдек тиззаларига сочар, қийқирарди.*

*Бобо унинг қийқиришидан, гул баргларини сочиб ўйнашидан завқланиб кетди. Бояги жаҳлидан ном-нишон қолмади. Қайтиб супасига ўтирди.*

*Гулнинг биринчи ғунчаси куттириб очилади. Кейин бири кетидан бири очилаверади.*

*Бобо ҳар гал эрталаб чиққанида гулларининг яшнаб очилиб турганини кўрганида негадир ўша болани эслайди. Унинг яна келиб гул узишини, дўмбоқ қўллари билан уни силкитишини истарди...*

---

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт Патология физиология кафедрасининг собиқ доценти

**Носир НИҒМАТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6